

Умрани ўрганинг

كيف تعتمر؟

[Ўзбекча -Uzbek -] [الأوزبكي]

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз

2009 - 1430

islamhouse.com

كيف تعتمر؟

« باللغة الأوزبكية »

عبد العزيز بن عبد الله بن باز

2009 - 1430

islamhouse^{.com}

**Муаллиф: Саудия Арабистони Кироллигининг собик муфтийси
Мўътабар Олимлар Хайъати хамда Илмий Тадқикотлар
ва
Фатво Идорасининг собик Раиси
Аллома Абдулазиз ибн Боз раҳимаҳуллоҳ**

Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Умра кандай килинади?

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

Аллоҳга хамлар, сўнгги пайгамбар, Унинг оиласи ва сахобаларига салавот ва саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Ушбу рисола умра ибодати хакида бир шингил қўрсатмалардан иборат бўлиб, уни ўкувчиларга тақдим этамиз.

Биринчи: Умра килмокчи бўлган одам мийкотга етиб келганидан сўнг, гусл килиб, тозаланиши мустахабдир. Хотин кизлар хам, гарчи хайз ва нифос кони кўраётган бўлсалар-да, гусл килиб, тозаланадилар. Бирок, кон тўхтаб, гусл килиб покланмагунларича, Каъбани тавоғ килмайдилар.

Эркак киши эхром кийимларига теккизмаган холда, баданига хушбўй нарсалар суриши мумкин. Агар мийкотда гусл килиш имкони бўлмаса, зарари йўқдир. Чунки унинг Маккага етиб келгач, кулагийлик бўлса, тавоғ килишдан аввал гусл килиши, мустахабдир.

Иккинчи: Эркак киши тикилган барча кийимларини ечиб, изор (бел ости лунгиси) ва ридо (бел усти лунгиси) боғлайди. Эркакларнинг ок рангдаги изор ва ридони бошларини ўрамасдан боғлашлари мустахабдир.

Хотин-кизлар эса, зийнат ва шухрати бўлмаган оддий кийимларни кийиши – эхром боғлашидир.

Чунчидан: Сўнгра калби билан ибодатга киришишни ният килади ва тили билан: «лаббайка Аллоҳумма умратан» (Аллоҳим сенинг барча хукмларингга тайёрман ва умрага ният килдим) ёки «Аллоҳумма лаббайка умратан» (Илоҳим, сенинг барча хукмларингга тайёрман ва умрага ният килдим), дейди. Агар эхромдаги одам касаллиги, душманнинг хатари ва бундан бошка шариат изн берган сабаблардан бири сабабли ибодатини адо эта олмай колишдан кўркса, эхромга кириш пайтида «Агар мени бирон тўсик тўсса, ўша ер менинг эхромдан чикиш еримдир», деб шарт килади. Бунинг далили Зубоъа Зубайр кизининг айтган сўзларидир. У: «Ё расулуллоҳ, мен хаж килмокчиман, бирок, касалман»- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Хаж кил. Бирок, (касаллик) мени каерда тўсса, ўша ер менинг эхромдан чикиш еримдир», деб айт»- дедилар» (Муттафакун алайх).

Эхромни кийганидан сўнг, расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам айтган талбияни айтади: «Лаббайкал-лоҳумма лаббайк! Лаббайка ла шарика лака лаббайк! Иннал-хамда ван-неъмата лака вал-мулк, ла шарика лак».

У бу талбия ва Аллоҳнинг зикрини кўп айтади ва Аллоҳга кўп дуо килади. Масжидул-Харомга етиб келгач, худди бошка масжидларда килганидек,

эшикдан ўнг оёги билан кириб: «Бисмиллах, вассолату вассаламу ала расулиллах, аъзу биллахил-азийм ва би важхихил-карийм ва султонихил-кадийм минаш-шайтонир ражийм. Аллохуммаф-так лий абваба рохматик (Аллохнинг номи билан.. Аллохнинг расулига салавот ва саломлар бўлсин. Мен Буюк Аллоҳдан, Унинг буюк юзи ва кадимий султонлиги билан (Аллохнинг рахмат даргохидан) кувилган Шайтондан паноҳ сўрайман. Илоҳим, мен учун рахматинг дарвозаларини оч!)- дейиши суннатдир.

Кейин, Каъбага етиб келгунига кадар талбия айтиш билан машгул бўлади.

Тўртинчи: Каъбага етиб келгач талбия айтишни тўхтатади ва Кора тош-Хажарул-асвадни касд килади-да, унинг каршисига юриб, уни ўнг кўли билан силайди ёки имкони бўлса, ўпади. Одамларга озор бермайди. Силаш пайтида: «Бисмиллахи валлоху акбар» (Аллохнинг исми билан ва Аллоҳ буюқдир) ёки «Аллоху акбар» (Аллоҳ буюқдир), дейди. Агар ўпиш имкони бўлмаса, кўли ёки хассаси ва шунга ўхшаш бирон нарса билан силайди ва силаган нарсасини ўпади. Агар силаш имкони хам бўлмаса, кўли билан ишора килади ва: «Аллоху акбар» (Аллоҳ буюқдир)- дейди. Ишора килган нарсасини ўпмайди. Тавоф тўгри-саҳих бўлиши учун тавоф килаётган одамнинг гусли ва тахорати бўлиши керак. Чунки тавоф хам намоз сингари бўлиб, факат унда гапиришга рухсат берилган.

Бешинчи: Тавоф килар экан, Каъба унинг чап тарафида бўлишига диккат килинади ва уни етти марта тавоф килинади. Агар ўнг тараф – «рукнул-ямоний»га етиб келинса, уни ўнг кўл билан силанади ва: «Аллоху акбар» дейилади. «Рукнул-ямоний»ни ўпилмайди. Агар силаш имкони бўлмаса, силамай тавофда давом этилади: унга ишора хам килинмайди ва такбир хам айтилмайди.

Хажарул-асвадга етиб келингач, юкорида эслатиб ўтилганидек, уни силенади, ўпилади ва такбир айтилади. Бўлмаса, унга ишора килиниб, такбир айтилади.

Эркакларгагина «кудум» - келиш тавофи асносида биринчи уч тавофда «рамл» - кичик кадамлар билан тез юриш, мустахабдир..

Бундан ташкари, эркакларнинг «кудум» тавофининг барча шавт-марталарида ридоларининг ўртасини ўнг елкаларининг остига ва икки тарафини чап елкаларининг устига кўйишлари мустахабдир. Барча шавтларда имкони борича Аллохнинг зикри ва дуоларнинг кўп айтилиши мустахабдир. Тавофда ўқиладиган маҳсус дуо ва маҳсус зикр йўқдир. Балки, билган зикр ва дуолар ўқилаверади. Икки руҳн ўртасида: **«Роббана аатина фид-дуня хасанатан ва фил-охирати хасанатан ва кинаа азабан-наар»** (Роббимиз, бизларга дунёда хам, охиратда хам яхшиликлар ато эт ва жаханнам азобидан сакла!) дуосини хар бир шавтда айтилади. Чунки бу, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событдир. Еттинчи шавтни, юкорида зикр килинганидек, имкони бўлса Хажарул-асвадни ўпиш ёки силаш ёки ишора килиш ва такбир айтиш билан тугалланади. Бундан сўнг ридони ёпинилади: елкага ташланиб, учлари кўксидা бўлади.

Олтинчи: Маком(и Иброҳим) оркасида, имкони бўлса, никки ракаат намоз ўқийди. Агар имкони бўлмаса, масжиднинг хар кайси ерида ўқилса хам бўлаверади. Унинг биринчи ракатига фотихадан сўнгра «Кофирувн», иккинчи ракаатида эса «Ихлос» сураларини ўқилади. Бундай килиш афзалдир. Агар бошқа сураларни ўқилса, зарари йўқ. Икки ракатни тутатилганидан сўнг, Хажарул-асвад томон юрилади ва имкони бўлса ўнг кўл билан силенади.

Еттинчи: Кейин Сафо (тоги) тарафига бориб, унинг устига чикилади ёки турилади. Чикиш афзалдир. Биринчи шавтни бошлишдан аввал:

(إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَانِ اللَّهِ) «Иннас-Софа вал-Марвата мин шаъоирллаҳ» (Сафо ва Марва (тоглари) Аллохнинг ибодат килинадиган ерларирид) оятини охиригача ўқиди. Эхромдаги одамнинг киблага юзланиб туриши, Аллохга хамду такбир айтиб: **لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمَلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ. لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ، أَنْجَزَ وَعْدَهُ، وَنَصَرَ عَبْدَهُ، وَهَزَمَ الْأَحْزَابَ وَهُدَهُ**

«Ла илаха иллаллох. Валлоху акбар, ла илаха иллаллоху вахдаху ла шарика лах, лахул-мулку ва лахул-хамд, ва хува ала кули шайъин кодийр. Ла илаха иллаллоху вахдах, анжаза ваъдах ва насара абдах ва хазамал-ахзаба вахдах» (Аллохдан ўзга илох йўқдир ва Аллох буюқдир! Шериксиз ёлгиз Аллохдан ўзга илох йўқдир хамда эгадорлик ва хамдлар Унгагина хосдир. Холбуки, У барча нарсага кодирдир. Ёлгиз Аллохдан ўзга илох йўқдир. У ваъдасига вафо килди, бандасига ёрдам берди ва ўзи гурухларни маглуб килди), деб кўлларини кўтариб дуо килади ва бу зикр ва дуоларни уч марта такрорлади.

Кейин, Марва тоги томон юрилади ва биринчи белгига етиб келганда, эркаклар иккинчи белгига етгунга кадар югуриб чопадилар. Хотин-кизларнинг тез юришлари шариатда кўрсатилмаган. Чунки хотин-кизлар авратдир. Сўнгра давом этиб, Марва тогига чикилади ёки Марвада турилади: тогнинг устига чикиш афзалдир. Марва тогида хам Сафо тогида килинган ишларни килинади. Бирок, юкорида зикри ўтган оятни ўкилмайди. У оятни расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан намуна олиб, факатгина биринчи шавтда Сафо тогидагина ўкилади, холос. Кейин тогдан тушиб, Сафо тогига етиб борилгунига кадар секин юриладиган ерда секин, югуриладиган ерда югурилади. Етти шавт шу каби адо этилади: Бориш бир, кайтиш эса алоҳида бир шавт хисобланади. Хусусан, эҳтиёж бўлса, бирон нарсани миниб юрса, зарари йўқ. Юриш асносида кўп зикр ва дуолар килиш мустахабдир. Бу юришда хам гуссли ва тахоратли бўлиш керак. Тахоратсиз юрса зарари йўқ.

Саккизинчи: Агар юриш-саъй нихоясига етса, эркаклар соchlарини киришлари ёки кискартишлари зарур. Кириб ташлаш афзалдир. Агар Маккага келиш пайти хаж мавсумига якин бўлса, соchlарни кискартиш афзалдир. Чунки сочнинг колган кисмини хаж мавсумида кириб ташланиши мумкин. Хотин-кизлар эса, соchlарини тўплаб унинг учидан бир бармок бўғимича ёки ундан озрок киркишлари етарлидир.

Эхром бοглаган одам юкорида зикри ўтган амалларни килса, умра ибодати тугайди валхамду лиллаҳ ва унга эхром бοглаши билан харом бўлган барча нарса халол бўлади.

Аллох таъоло бизларни ва барча мусулмон биродарларимизни динида факих ва собиткадам бўлишга муваффак килсин хамда барчадан ибодатларини кабул этсин. Дарҳакикат, У саховатли карим зотдир.

Аллоҳ таъоло пайғамбаримиз, Унниг оиласи, саҳобалари ва Унга киёмат кунига кадар яхшилиқ билан эргашган кишиларга салавот ва саломлар йўлласин.